

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

**РЕАБИЛИТАЦИЯ МАРКАЗЛАРИГА  
ЖОЙЛАШТИРИЛГАН  
АЁЛЛАРНИНГ ФАРЗАНДЛАРИНИ  
МАКТАБГАЧА ВА УМУМИЙ ЎРТА  
ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИГА  
ВАҚТИНЧА ЖОЙЛАШТИРИШ  
ТАРТИБИ БЎЙИЧА  
УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА**

Тошкент - 2025

Реабилитация марказларига жойлаштирилган аёлларнинг фарзандларини умумий ўрта таълим муассасаларига вақтинча жойлаштириш тартиби бўйича услугбий қўлланма.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2024. – 15 бет.

Мазкур услугбий қўлланма Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика маркази ва унинг ҳудудий бўлимларига жойлаштирилган аёлларнинг вояга етмаган фарзандларини имтиёзли шартларда энг яқин ҳудуддаги умумий ўрта таълим муассасаларига вақтинча жойлаштирилишини таъминлаш юзасидан ишлаб чиқилди.

Қонунчилик ҳужжатлари ўзгариши муносабати билан ушбу қўлланма такомиллаштириб борилади, шу сабабли, қўлланманинг янгиланган санасига эътибор қаратиш лозим.

**Ушбу услугбий қўлланма тавсиявий хусусиятга эга.**

## МУНДАРИЖА

Фойдаланилган норматив-хүкүкий ҳужжатлар.....	3
Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш бўйича марказлар фаолияти.....	5
Марказларга жойлаштирилган аёлларнинг фарзандларини таълим мұассасаларига вақтинча жойлаштириш.....	9

# ФОЙДАЛАНИЛГАН НОРМАТИВ-ХУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси	
Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сон қонуни;	
Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизларни тазиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ЎРҚ-561-сон Қонуни	
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 майдаги “Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган хотин-қизларни реабилитация қилишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-5116-сон қарори	
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 19 февралдаги 146-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тўғрисидаги низом	
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 14 октябрдаги “Аҳолининг ижтимоий ҳимоя олиш ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда давлат ижтимоий ёрдами ва хизматларини кўрсатишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 539-сон қарори	
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 1 июндаги “Халқ таълими тизимида давлат хизматлари кўрсатишни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 295-сон қарори	

**Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 25 июндаги  
“Тазийиқ ва зўравонликка учраган хотин-қизлар ва  
уларнинг вояга етмаган фарзандларига ижтимоий  
хизматларни кўрсатиш тизимини йўлга қўйиш чора-  
тадбирлари тўғрисида”ги 354-сон қарори**



# АЁЛЛАРНИ РЕАБИЛИТАЦИЯ ҚИЛИШ ВА МОСЛАШТИРИШ БҮЙИЧА МАРКАЗЛАР ФАОЛИЯТИ



Мамлакатимизда оғир ижтимоий аҳволга түшиб қолган хотин-қизларга ижтимоий-хуқуқий, психологияк ёрдам күрсатиш мақсадида **29** та Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш бүйича **республика, ҳудудий ва туманлараро намунали марказлар**, шу жумладан, **1** та **Республика маркази**, **14** та **ҳудудий марказлар** ва **14** та **намунали туманлараро марказлар** (кеинги үринларда - **Марказлар**) ташкил этилган.

Қыйидагилар Марказларнинг **асосий вазифалари** этиб белгиланган:

- ✓ тазийқ ва зўравонликдан жабр кўрган, ўз жонига суюқасд қилган ёки ўз жонига қасд қилишга мойиллиги бўлган хотин-қизларга аноним тарзда шошилинч **тиббий, психологик, ижтимоий, педагогик, ҳуқуқий ва бошқа ёрдам** күрсатиш;
- ✓ оғир ижтимоий аҳволда қолган, шу жумладан оиласи муаммолар ва турмушида зўрлик ишлатилишига дуч келган хотин-қизлар ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлашга кўмаклашиш;
- ✓ давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг хотин-қизларнинг ўз жонига қасд ва суюқасд қилиш ҳолатларини ўрганиш, бундай ҳолатларнинг олдини олиш, шунингдек, ўз жонига суюқасд қилган хотин-қизларни **нормал ҳаётга қайтариш** бўйича фаолиятига яқиндан кўмаклашиш;
- ✓ “Аёллар дафтари”га киритилган психологик ва ҳуқуқий маслаҳатга муҳтоҷ хотин-қизларни (тазийқ ва зўравонликдан жабрланган, ижтимоий муаммолари мавжуд хотин-қизлар) ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларни «**Аёллар дафтари**»дан чиқариш чораларини кўриш;
- ✓ низоли вазиятларни, оиласи-маиший зўрлик ишлатишни ва ўз жонига қасд қилишга мойил хулқ-атворни, уларнинг келиб чиқишига олиб келадиган **сабаблар ва шарт-шароитларни**

**таҳлил қилиш**, умумлаштириш ва уларга барҳам бериш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

- ✓ тазийқ ва зўравонликдан жабрланган ёки ўз жонига суиқасд қилган ёки қасд қилишга мойил бўлган хотин-қизлар билан **профилактик тадбирларни ўтказиш**;
- ✓ оғир ижтимоий аҳволда қолган, шу жумладан оиласий муаммолар ва турмушида зўрлик ишлатилишига дуч келган хотин-қизларни **касб-ҳунарга йўналтиришга** кўмаклашиш;
- ✓ долзарб **ижтимоий муаммоларни аниқлаш** мақсадида жамоатчилик фикрини ўрганиш ва ижтимоий тадқиқотларни ташкил этиш;
- ✓ зўравонликнинг олдини олиш, хотин-қизларнинг ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш, уларнинг **ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга** қаратилган тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш, ушбу мақсадларда оммавий ахборот воситалари ва интернет тармоқларидан кенг фойдаланиш.



#### **Марказларга қўйидагилар жойлаштирилади:**

зўравонликдан жабрланган хотин-қизлар ва уларнинг **вояга етмаган фарзандлари**;

ўз жонига суиқасд қилган ёки ўз жонига қасд қилишга мойиллиги бўлган хотин-қизлар.

Тазийқ ва зўравонликдан жабрланган шахслар, бошқа жисмоний ҳамда юридик шахслар томонидан **тазийқ ва зўравонлик ҳолати тўғрисида** қўйидаги шаклларда **мурожаат қилинади**:

“Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари ёки ижтимоий ходимга

ички ишлар органлари навбатчилик қисмининг “102” телефон рақамларига ёки бевосита профилактика инспекторларига

“112” ягона диспетчерлик хизмати ҳамда 1146 қисқа рақамли ишонч телефонига



“Инсон” марказлари баҳолаш натижалари ҳамда хотин-қизларнинг розилиги асосида **қўйидаги чоратадбирлардан** бирини ёки бир нечтасини амалга оширади:

- + кундузги қатнов шаклида қисқа ва узоқ муддатли ижтимоий, психологик ва ҳуқуқий **хизматларни кўрсатиш**;
- + туман (шаҳар) марказий шифохоналарининг шошилинч қабул бўлимларининг **бирламчи кўмак хоналарига** жойлаштириш;
- + тазийк ва зўравонлик ҳолатини ички ишлар органлари томонидан рўйхатдан ўtkазиш ҳамда **ҳимоя ордерини расмийлаштириш** чораларини кўриш учун “102” қисқа рақамига хабар бериш.

**Бирламчи кўмак хонаси**га жойлаштирилган хотин-қизлар билан “Инсон” марказларининг ижтимоий ходими қўшимча сұхбат ўтказиш орқали уларнинг ҳудудий марказларнинг чуқурлаштирилган **реабилитация хизматларидан** фойдаланиш истагини аниқлайди.



Бунда ҳудудий марказларга жойлаштириш учун хотин-қизларга **ҳимоя ордери расмийлаштирилган бўлиши лозим**.

Қўйидаги касалликлар мавжуд бўлган хотин-қизлар ҳудудий марказларга жойлаштирилмайди:

- ✓ bemornинг ўзи ва атрофдагилар учун хавфли бўлган қўпол ҳамда хулқий бузилишлар билан кечадиган руҳий касалликлар, хусусан, тез-тез (ҳар ойда 5 мартадан кўп) тутқаноқ содир бўладиган эпилепсия, мунтазам тутқаноқларга, эпилептик мақомга, кун охирига бориб бўшашувчанликка, дисфорияларга мойиллик касалликлари;
- ✓ жараённинг фаол босқичидаги сил касаллиги;
- ✓ юқумли тери ва соч касалликлари;
- ✓ ўткир юқумли касалликлар;
- ✓ салбий жараёндаги, ёмон ҳолатда ўтадиган шиш касалликлари ва рецидивлари;
- ✓ таносил касалликлари (ОИВ инфекцияси бундан мустасно).



Худудий марказлар томонидан хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандлариiga **якка тартибдаги ижтимоий реабилитация дастурига** мувофиқ **қўйидаги хизматлар** кўрсатилади:

- хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандлариiga **тиббий, психологияк, ижтимоий, ҳуқуқий ва бошқа хизматларни** кўрсатиш;
- вояга етмаган фарзандларини энг яқин ҳудуддаги **мактабгача ёки ўрта таълим муассасаларига вақтинча жойлаштиришни** ташкил этиш;
- хотин-қизларга ёрдам кўрсатишида мутахассис зарур бўлган ҳолларда сицидолог, психотерапевт, болалар психологи, тиббий руҳшунослар ва бошқа **мутахassislarни шартнома асосида жалб этиш**;
- хотин-қизларни касб-ҳунарга ўргатиш, уларга ҳудудлардаги мономарказ ва касб-ҳунарга ўқитиш марказларида **касбга ўргатишга йўлланма бериш**;
- хотин-қизларни касбга ўқитиш, иш билан таъминлаш даврида уларнинг вояга етмаган фарзандлариiga **тарбиячи биритириш**;
- **маданий-маърифий тадбирларни** ташкил этиш;
- хотин-қизларнинг **бандлигини таъминлашга кўмаклашиш**



Марказларга жойлаштирилган аёлларнинг вояга етмаган фарзандлари **имтиёзли шартларда** энг яқин ҳудуддаги **мактабгача** (боғча) ҳамда **умумий ўрта таълим муассасаларига** (мактаб) вақтинча жойлаштирилади.

# **МАРКАЗЛАРГА ЖОЙЛАШТИРИЛГАН АЁЛЛАРНИНГ ФАРЗАНДЛАРИНИ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИГА ВАҚТИНЧА ЖОЙЛАШТИРИШ**

Қонунчиликда болаларни мактабгача ва умумий ўрта таълим ташкилотларига “вақтинча жойлаштириш” тушунчаси аниқ ёритилмаган. Таълим муассассаларига вақтинча жойлашишнинг тартиб-таомиллари ва муддатлари бўйича аниқ нормалари мавжуд эмас.

Шунга қарамай, Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика маркази ва унинг ҳудудий бўлимларига жойлаштирилган аёлларнинг ҳуқуқларини тиклаш, уларга кўмак бериш мақсадида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлаш мақсадида Марказларнинг ўзига ушбу ваколатнинг берилиши соҳадаги ишларнинг янада жадал илгарилашига хизмат қиласди.

Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика маркази ва унинг ҳудудий бўлимларининг **талабномасига** асосан Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика маркази ва унинг ҳудудий бўлимларига жойлаштирилган аёлларнинг **вояга етмаган фарзандлари** **энг яқин ҳудуддаги мактабгача ва умумий ўрта таълим муассасаларига** жойлаштирилади.





## Болаларни мактабгача таълим ташкилотига қабул қилиш.



Болаларни давлат мактабгача таълим ташкилотларига қабул қилиш Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 28 мартағи **244-сон қарори** билан тасдиқланган **Болаларни давлат мактабгача таълим ташкилотлариға қабул қилиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурӣ регламентига биноан амалга оширилади.**



Регламентга кўра болаларни қўйидаги мактабгача таълим ташкилотлариға қабул қилиш тартибини белгилайди:



умумий турдаги давлат мактабгача таълим ташкилотлари (оталиққа олган ташкилот ходимларининг болалари учун квоталар бундан мустасно);



қўшма турдаги давлат мактабгача таълим ташкилотлари (имконияти чекланган болалар учун ажратилган ўринлар бундан мустасно);



умумий турдаги давлат идоравий мактабгача таълим ташкилотлари (белгиланган квоталар бўйича);




давлат-хусусий шерикликка асосланган нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари (ижтимоий кўмакка муҳтоҷ оиласалар ва маҳсус контингент болалари учун белгиланган квоталар бўйича).



Тазиик ва зўравонлиқдан жабр кўрган шахслар (ҳимоя ордери мавжуд бўлганда) ҳамда “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимиға киритилган кам таъминланган ҳамда камбағал оиласаларнинг болалари “Инсон” ижтимоий хизматлар марказларидаги ижтимоий ходимлар гуруҳлари томонидан ҳам мактабгача ва мактаб таълими бўлимлариға талабнома киритиш орқали **имтиёзли навбатга қўйилади**.



Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика маркази ва унинг ҳудудий бўлимлари 14 та ҳудудда (вилоят кесимида) ташкил этилганлиги, туман ва шаҳар Инсон марказлари эса туман ва шаҳар кесимида фаолият юритиши инобатга олинган ҳолда Марказга жойлаштирилган хотин-қизларнинг вояга етмаган фарзандларини энг яқин ҳудуддаги мактабгача ёки ўрта таълим муассасаларига вақтинча жойлаштиришни ташкил этиш Марказларнинг ўзига юклатилган.



Шунингдек, хотин-қизларнинг вояга етмаган фарзандлари мактабгача ёки ўрта таълим муассасаларига вақтинча жойлаштирилганда, уларни таълим муассасасига **олиб бориш ва олиб келиш ҳудудий марказ томонидан** таъминланади.



#### *Маълумот учун:*

Мактабгача таълим ва тарбия олти ёшдан етти ёшгача бўлган болаларни **бошланғич таълимга бир йиллик мажбурий тайёрлашни** ҳам назарда тутади.



#### **Болаларни умумий ўрта таълим мактабларига қабул қилиш.**



Болаларни давлат умумий ўрта таълим муассасаларига **қабул қилиш** ҳамда ўқувчиларни бир умумий ўрта таълим муассасасидан **бошқасига ўтказиш** Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 1 июндаги **295-сон қарори** билан тасдиқланган **Болаларни давлат умумий ўрта таълим муассасаларига қабул қилиш** ҳамда ўқувчиларни бир умумий ўрта таълим муассасасидан бошқасига ўтказиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти билан тартибга солинган.

## **Маълумот учун:**



Умумий ўрта таълим ташкилотининг **биринчи синфига** болалар улар **етти ёшга тўладиган йилда** қабул қилинади.



Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 14 октябрдаги **539-сон** қарори билан “Инсон” ижтимоий хизматлар марказининг маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, ҳудудий давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан **ўзаро ҳамкорлик йўналишлари** тасдиқланган.

Унга кўра, **“Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари** Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика маркази ва унинг ҳудудий бўлимларига жойлаштирилган аёлларнинг вояга етмаган фарзандларини имтиёзли шартларда **энг яқин ҳудуддаги мактабгача ҳамда умумий ўрта таълим муассасаларига** вақтинча жойлаштириш бўйича мактабгача ва мактаб таълими бўлими билан ҳамкорлик қилиши белгиланган.

Бунда “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари ҳамда ижтимоий ходим тегишли бўлимларга талабнома киритади. Талабномани кўриб чиқиш муддати **ўн кун** ҳисобланиб, бу муддат ичida мактабгача ва мактаб таълими бўлимлари болани мактабгача таълим ташкилоти ёки мактабга жойлаштириш чораларини кўриши ва бу ҳақда ахборот тақдим қилиши лозим.

Бироқ Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 25 июндаги 354-сон қарори билан тасдиқланган Тазийиқ ва зўравонликка учраган хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандларига ижтимоий хизмат кўрсатишнинг маъмурӣ регламентига биноан Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика марказининг ҳудудий марказлари томонидан хотин-қизларнинг вояга етмаган фарзандларини энг яқин ҳудуддаги мактабгача ёки ўрта таълим муассасаларига вақтинча жойлаштиришни ташкил этиш белгиланган.

“Норматив-хуқуқий ҳужжатлар түғрисида”ги қонунга күра тенг юридик күчга әга бўлган норматив-хуқуқий ҳужжатлар ўртасида тафовутлар бўлган тақдирда, кейинроқ қабул қилинган норматив-хуқуқий ҳужжат қоидалари амал қилади.

Шунга кўра, реабилитация маркаларига жойлаштирилган аёлларнинг энг яқин ҳудуддаги мактабгача ёки ўрта таълим муассасаларига вақтинча жойлаштириш тартиби бўйича маҳсус тартиб-таомиллар белгилангунга қадар Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 25 июндаги 354-сон қарори нормалари амал қилиши мақсадга мувофиқ.

## ҚАЙДЛАР үЧУН

